

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ**

Хо‘shboq Norbo‘tayev Bobonazarovich,

Termiz davlat pedagogika instituti dotsenti, pedagogika fanlari doktori (DSc)

Сурайё Эшбоева Қахрамон қизи

Термиз давлат университети Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:

ушбу мақолада экологик моддий ва маънавий меъросни сақлаш, ривожлантириш, креатив ёндашув, экология ва табиатни асраш, муҳофаза қилиш, ёшларга экологик тушунчалар беришнинг вазибалари, ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок этиш мотивларини шакллантириш ва экологик тафаккур, экологик тушунчани амалга оширишдаги амалий ишлар, экологик маданиятни шакллантириш жараёнлари ҳамда дардан ташқари машғулотларда экологик муаммоларни ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари баён қилинган.

Калит сўзлар: табиат, жамият, инсон, экология, тафаккур, машғулот, муаммо, тушунча, маданият, бошланғич синфлар, ўқувчи, эстетик ҳиссиёт, креатив ёндашув, экологик муаммолар.

Annotation: in this article, preservation and development of ecological material and spiritual heritage, creative approach, ecology and nature preservation, protection, the tasks of giving ecological concepts to young people, formation of motives for active participation in socially useful work and ecological thinking, practical work in the implementation of ecological concepts, formation of ecological culture processes and special aspects of studying environmental problems in extracurricular activities are described.

Key words: nature, society, man, ecology, thinking, training, problem, concept, culture, primary classes, student, aesthetic feeling, creative approach, environmental problems.

Аннотация: в данной статье сохранение и развитие экологического материального и духовного наследия, творческий подход, экология и охрана природы, охрана, задачи привития экологических представлений молодежи, формирование мотивов активного участия в общественно полезном труде и экологического мышления, практическая работа в реализации экологических концепций описаны процессы формирования

экологической культуры и особенности изучения экологических проблем во внеурочной деятельности.

Ключевые слова: природа, общество, человек, экология, мышление, обучение, проблема, понятие, культура, начальные классы, ученик, эстетическое чувство, творческий подход, экологические проблемы.

Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида ривожлантирилмоқда. Шунингдек, “Узлуксиз экологик таълим концепцияси” амалиётга татбиқ этилган, экологик таълим мазмуни такомиллаштирилиб, моддий-техник базаси модернизация қилинмоқда. Хусусан, экологияни кўп тармоқли соҳа сифатида баҳолаш, экологиянинг ахлоқий моҳияти ва замонавий мазмуни, инновацион тафаккур юритиш ва янги ёндашувларни таълим жараёнига татбиқ этади.

Биобарин, назарий экологик билимлар (экологик тафаккур) ҳамда атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Экологик тафаккур табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг ондаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Экологик фаолият эса экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи демакдир.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни шакллантиришда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур:

- ўқувчиларнинг таълим жараёнида ўзлаштирган экологик билимларини янада ошириш;
- уларнинг табиат ва атроф-муҳит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиш;
- ўқувчиларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириш;
- ўқувчиларда экологик фаолият кўникма, малака ва компетенцияларни тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштириш дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар яъни давра суҳбатлари, экскурсия, баҳс-мунозара, ижодий танловлар, учрашув, ижтимоий-фойдали меҳнат (кўкаламзорлаштириш) каби шаклларда ҳамда суҳбат, кузатиш, амалий фаолиятни ташкил этиш, рағбатлантириш каби методлар ёрдамида ташкил этиш ўқувчиларда креативлик қарор топишини таъминлайди [1].

Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни

шаклантиришда креативликни ташкил этиш жараёнида ахлоқий мазмундаги суҳбат, баҳс-мунозара, конференция, семинар ҳамда дебатлардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Ўқувчиларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш, меҳр-муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади. Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёндир.

Юксак маънавий комиллик, юрт озодлиги, ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчан бўлиш, ўзида иродавий сифатларни тарбиялай олиш, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик ҳамда мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш каби хислатларни мамлакатимиз ҳаётида устувор бўлган тамойиллар сифатида эътироф этиш мумкин. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда миллий мафқураси асослари таянч омил сифатида намоён бўлади[15].

Шу нуқтаи назаридан мамлакатимизда экологик таълим концепцияси ишлаб чиқилганлиги ва мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга доир муҳим ижтимоий - маданий ва ҳуқуқий негизи яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жумладан, инсон оламнинг хилма-хиллигини, тузилиши ва хусусиятларини сезги аъзолари орқали амалга оширади. Сезги бу психик жараён бўлиб, нарса ва ҳодисанинг айрим хусусиятларини ўзида акс эттиради ва креативлик (ижодий) ёндашишни юзага келтиради. Сезги аъзолари: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тери орқали сезиш ва таъм билиш орқали оламнинг айрим хусусиятларини сеза олади. Масалан, тоғни кўради, отнинг кишнашини эшитади, гулнинг ҳидини сезади, асалнинг ширинлигини таъм билиш аъзоси орқали сезади, оламнинг рангини кўради.

Теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари тартибга солиниб, яхлит образларга бирлашуви натижасида идрок этилади. Бошланғич синфларда идрокнинг заиф томонлари таълимнинг дастлабки босқичида учрайди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда фазо, вақт ва ҳаракатни идрок қилиш таълим жараёнида ўқитувчи ёрдамида амалга оширилади. Сезгилари орқали оламнинг айрим хусусиятларини: рангини, таъмини, ҳидини сеза олади. Мана шу айрим хусусиятларнинг тартибга солиниши натижасида яхлит оламни идрок қилади. Киши тасавурида идрок қилинган нарса ва ҳодисалар гавдаланади. Масалан, олма сўзи эшитилганда унинг қанақалиги, мазаси тасаввур қилинади [5].

Тасаввур қилинган воқелик тафаккурда умумлаштирилади. Тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш шаклларида воқелик бевосита акс эттирилади. Масалан, олма бу-мева, у бошқа мевалардан фарқ қилади, йилнинг барча фаслларида олма бўлади.

Киши ҳис-туйғу кечинмаларининг чуқур бўлиши учун ўқувчининг теваарак-атрофдаги ва унинг ўзида юз берадиган ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Тирик организмларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабати ўқувчининг бошидан кечирилиши чоғида ҳис-туйғулар маълум даражада сезиладиган, ташқи белгиларга ҳам эга бўлади. Масалан, юзларнинг ифодали ҳаракати, қўл ва гавданнинг маъноли ҳаракатлари, турки-таровати, оҳанги, кўз қорачиқларининг кенгайиши ва торайиши. Ташқи кўринишдаги ўзгаришлар ўқувчининг қизиқиш, қувонч, ҳайратланиш, изтироб чекиш, ғазабланиш, нафратланиш, жирканиш, кўрқув, уялиш каби ҳиссий ҳолатларида намоён бўлади [16].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштиришда ҳиссий муҳитни эътиборга олиш, албатта, керак. Ўқувчи қизиқишлари орқали уни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликлари, табиат сир-асрорлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақидаги билимларни эгаллашга ҳаракат қилади [2].

Шахс шаклланишида инсонни ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳит таъсири катта. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчалар шаклланишида табиий муҳитнинг аҳамияти етакчидир. Билиш атроф-муҳитни ҳис қилишдан бошланиб, тафаккурда умумлаштирилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш жараёнларини назарда тутган ҳолда, табиат қонуниятларини ўрганишга эътибор бергандагина бола шахсида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришда самарали натижалар бериши мумкин [4].

Табиат, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот олами ўқувчи шахсида ҳис-туйғуларни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳиссий туйғу уларнинг ахлоқий-экологик, ҳис-туйғулари билан уйғунлашади. Шу боис ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга [6].

Табиат ҳодисалари ўртасидаги алоқани англаш, билиш, ҳис этиш экологик тарбияга оид тушунчаларнинг шаклланишида муҳим қонуният ҳисобланади. Ўқувчи табиат ҳодисалари ўртасидаги ўзаро алоқа ва таъсирни билиши натижасида экологик таълим-тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш ва табиатга онгли муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш мумкин бўлади [9].

Бугунги кунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг экологик саводхон бўлиб етишишлари бу давр талаби. Чунки, экологик саводхонлик орқали жаҳондаги экологик муаммоларнинг олди олинади [17]. Экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида таъсир кўрсатиш мумкин бўлган бир қатор муаммолар мавжуд, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин (1-расм).



1-расм. Экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида таъсир кўрсатиш муаммолари компоненти схемаси

Дарҳақиқат, бошланғич синф ўқувчиларига табиий фанларни креатив ёндашув асосида ўқитишдан мақсад-ўқитиш жараёнида экологик таълим-тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, табиатга истеъмолчилик муносабатларидан воз кечиш, ўсиб келаётган ёш авлодда атроф-оламдаги табиий ва сунъий яратилган муҳитга масъуликни таркиб топтиришдан иборат.

Бошланғич синф ўқувчиларига дарс жараёнида экологик таълим-тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш, табиат билан жамият (инсон) уйғунлигини табиий-тарихий, тадрижий, ижтимоий муаммо сифатида талқин қилувчи диалектик билиш ҳисобланади. Инсон ўсимлик ва ҳайвонларнинг хилма-хил турларини, завод ва фабрикаларни бошқа жойларга кўчирибгина қолмасдан, балки у ўзи яшаб турган жойнинг иқлимини, қолаверса, экологиясини тубдан ўзгартириб юборади. Аммо жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида экологик муаммолар тузумга боғлиқ бўлмаган долзарб ижтимоий муаммо сифатида талқин қилинади[8].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштириш табиий фанлар мисолида амалга оширилади[18]. Шу боис бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитиш жараёнида экологияга оид тушунчаларни креатив ёндашув асосида такомиллаштириш ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулик муносабатини тарбиялаш, умуминсоний ва ахлоқий-экологик қадриятларни қарор топтиришда ахлоқ-одоб, эҳтиёткорлик, тежамкорлик, тозалик-соғлиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид экологик тарбия мазмунидаги фикрларга таяниш

муҳим аҳамият касб этади. Масалан, кимда ким бир кўчат ўтқазса, ё бўлмаса экин эксаню, улар ҳосилидан одамлар, қушлар, ҳайвонлар баҳра олса, бу ҳам ўша одам учун садақа ҳисобланади, деб ёзадилар Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ушбу ўғит мазмун моҳиятида ўқувчиларнинг экилган ҳар бир кўчатни синдирмасдан уни парвариш қилишга ёрдам беришларини таъкидлагани эҳтимолдан холи эмас.

Бошланғич синфларда экологияга оид тушунчаларни шакллантиришда креатив ёндашувни такомиллаштиришнинг услубий асослари қуйидаги мазмунни қамраб олади[19]:

- ўқувчи шахсининг моҳияти табиат, жамият ва техниканинг ўзаро муносабатлари мажмуида намоён бўлади;
- ўқувчи шахсининг табиатга муносабати ахлоқ-одоб ҳақидаги умумбашарий қадрият-ал-Бухорий, ат-Термизий ҳадисларига таянишга боғлиқ;
- табиат, атроф-муҳитга масъуллиқ муносабатини таркиб топтириш бошланғич таълимнинг муҳим мақсади бўлиб, у ўқувчи шахсининг ҳар томонлама камол топганлигини кўрсатади;
- табиатга масъуллиқ муносабати унинг турли хил: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларини уйғун ривожлантириш асосида таркиб топади[7].

Фан-техника тараққиёти жадаллашган ҳозирги даврда табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлигини мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш жараёнида шундай экологик муаммолар вужудга келдики, улар давримизнинг долзарб ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий муаммоси сифатида талқин қилинади[3].

Бугунги кун таълим жараёнида ўқувчиларда экологик таълим-тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришни кечиктириб бўлмас заруриятга айланганди. Тобора чуқурлашиб бораётган экологик инқироз нафақат жаҳон миқёсида балки, мамлакатимиз тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, деҳқончилик ва чорвачилиқ ишларини йўлга қўйиш ноқулай табиий омиллар ҳисобига қийинлашмоқда, атроф-муҳит ва ичимлик суви сифатининг бузилиши туфайли аҳолининг яшаш шароити қийинлашиб, турли хил касалликларга чалиниши кўпайиб бормоқда. Бундай экологик инқирознинг бош сабабчиси табиий жараёнлар бўлса ҳам, аммо улар антропоген омил - инсон фаолияти таъсирида вужудга келган. Шу боис бу инқирозни соф табиий-тарихий, тадрижий жараён сифатида баҳолаш ёки сув етишмаслигига боғлаб қўйиш ярамайди[10].

АДАБИЁТЛАР:

1. Икромов Э. Ж., Хотамов А. А. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари. -Тошкент: “Ибн Сино”, 2001. -23 б.

2. Исакулова Н.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.- Пед. фан. ном. дис. автореферати. - Т., 2006. -20 б.
3. Креативность как ключевая компетентность педагога: монография/ Под ред. проф. М.М. Кашапова, доц. Т.Г.Киселевой, доц. Т.В.Огородовой.- Ярославль: ИПК «Индиго», 2013. - 392 с.
4. Козленко В.Н. Проблема креативности личности // Психология творчества: общая, дифференциальная, прикладная /Под. ред. Я.А.Пономарева. - М.: “Совершенство”, 1991. - С. 131-148.
5. Кўчкинов А.Ю. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари. Дисс. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) -Т., 2021. -147 б.
6. Мирзахмедова Ш.М. Бошланғич синф ўқувчиларида табиатга бўлган қизиқишни шакллантиришнинг педагогик асослари. - Пед. фан. ном. дис. - Т.: ЎзПФТИ, 2006. - 175 б.
7. Narbutaev H.B. Improving the knowledge of ecological content in pupils in interdiscipline for teaching biology. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS) DOI:10.9756/INTJECSE/V14I7.110 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 07 2022.
8. Norbutayev H.B. Specific features of interdisciplinary integration in teaching natural subjects. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com>.Impact Factor: SJIF.Vol.11,10.5958/2249-7137.2021.00766.7. Issue 3, March 2021. - P.1123-1128.
9. Eshboeva S.K. The current state of improving the creative approach in the formation of ecological concepts in primary class students. International bulletin of engineering and technology. -UIF = 8.1 | SJIF = 5.71, 2022. -P. 21-28.
10. Эшбоева, С. (2022, October). Бошланғич синф ўқувчиларининг экологияга оид тушунчаларини креатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. In E Conference Zone (pp. 124-130).
11. Eshboyeva, S. (2022). Didactic possibilities of creative approach in forming ecological concepts in primary class students. Conferencea, 200-205.
12. Eshboeva, S. (2022). Creative approach to forming ecological concepts in primary class students.
13. Эшбоева С.Қ Влияние индивидуальных особенностей на развитие и воспитание школьников. Научный журнал “Гуманитарный трактат” www.gumtraktat.ru 02 июля 2018 г. Выпуск №29 Кемерово ББК Ч 214(2Рос-4Ке)73я431 ISSN 2500-1159 УДК 378.001 www.idpluton. 02.07.2018 г. УДК 37.013. 53-56 ст.
14. Eshboyeva S.K. Use of people's oral creativity in the formation of ecological concepts of primary school students on a creative basis. //Oriental Renaissance: Innovative,

educational, natural and social sciences VOLUME 1 | ISSUE 10 ISSN 2181-1784
Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423 November 2021 ilmiy jurnal 10-son
www.oriens.uz Doi 10.24412/2181-1784-2021-10 763-769-page.

15. Хуррамов, Р. (2022). БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЭВРИСТИК ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ. Conferencea, 80-84.
16. Sayfiddinovich, R. K. (2022). THE IMPORTANCE OF USING ETHNOPEDEAGOGY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(4), 92-97.
17. Khurramov, R. (2022). Developing creative thinking skills of students through integration-based primary classes.
18. Khurramov, R. (2022). EDUCATIONAL TASKS IN THE PRIMARY CLASS ARE A TOOL FOR DEVELOPING STUDENTS'HEURISTIC SKILLS. World Bulletin of Social Sciences, 13, 22-25.
19. Хуррамов, Р. (2022, August). ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭВРИСТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ. In E Conference Zone (pp. 138-142).